

“ҚИЗИЛ КИТОБ”

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

Давлат музейи катта илмий ходими

Валиева Ҳадияхон

Бу китобни бошқача қилиб қайғу-алам китоби ҳам деса бўлади, чунки бу китоб ўзида ер юзидаги йўқолиб кетаётган ҳайвон ҳамда ўсимлик турларини, зотларини ва навларини ўзида мужассамлаштирган. Уларнинг ер юзидан йўқолиб кетиши шунчаки йўқотиш эмас, балки, она табиат мувозанати, боғлиқ гўзаллиги ва энг асосийси инсоннинг ўз манфаатларидан жудо бўлиши жараёнидир. Ҳа, сиз гап нима ҳақада эканлигини топдингиз! “Қизил китоб”!

“Қизил китоб”-ҳаракатга чақирувчи китобдир. Дунёнинг кўпгина давлатлари олимлари томонидан бутун дунёда йўқолиб кетаётган ва жуда кам учрайдиган ҳайвонлар, ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиш ва уларни сақлаб қолиш учун табиат ва табиат ресусларини ҳимоя қилиш бирлашмасининг (ХТҲҚБ) “Қизил китоб”и ташкил этилди. Бу китоб чет элда 60-70 йилларда чоп этилди. 1-2 томида сутəмизувчилар, қушлар ҳақида, 3-4 томида эса сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар ва балиқлар ҳақида сўз юритилади. “Қизил Китоб” табиатни севувчилар, мутахассисларнинг диққатини ўзига тортиб, ҳамма минтақада машҳур бўлди.

Бу китоб худди календардек безалган бўлиб, унинг ҳар бир вароғи ҳар бир варорғи ҳар хил рангдадир. Ҳар қайси рангнинг ўз маъноси бўлиб, масалан, қизил рангда ёзилган ҳайвон зотлари ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетаётгани ва уларнинг ҳимояга муҳтожлигини билдиради.

Ер юзида ҳайвон зотлари ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетишининг икки сабаби бор бўлиб, биринчи сабаби:-бу табиий шароитнинг ўзгариши натижасида бўлса (табиий сабаб), иккинчи сабаби эса-(антропоген) инсон ҳаракатлари натижасидир. Дунёда умумий қушлар ва ҳайвонларнинг $\frac{1}{4}$ қисми табиий сабаблар

натижасида йўқолган бўлса, $\frac{3}{4}$ қисми эса инсон таъсирида йўқолгандир. Олдин бу рақамларни фақат биология мутахассислари билишса, энди эса миллионлаб одамларга ҳам аён бўлади ва инсонлар олдида савол туғилди. Инсон, сен нима қилипсан? Тўхта-сен ўз уйингни бузаяпсан! Ҳайвон ва ўсимлик дунёсини асрашда кўпгина амалий ишлар қилиниб ва унинг ҳисобига олиб ҳар қайси давлат, вилоят, туман ва минтақаларда ўз

“Қизил Китоб”лари ташкил этиляпти. Ўзбекистон “Қизил Китоб”и ҳам 1984 йилда ташкил топди.

“Қизил Китоб”нинг яна бир муҳим хусусияти бўлиб, унинг саҳифаларихеч қачон тугалланмайди, доимо унинг саҳифаларини янги ўсимлик турлари ва ҳайвон зотлари тўлдирилиб боради. “Қизил Китоб”нинг саҳифаларини қисқартириш учун инсон маданияти ва халқини доим ошира бориш керак. Бу олимлар олдида қўйилган муҳим муаммолардан биридир.

Ўзбекистонда ўсимлик ва ҳайвонлар турлари сони 27000дан ортиқ бўлиб, улардан ҳайвонлар турлари 15000дан ортиқ, ўсимликлар, замбуруғлар ва сув ўтлари эса 11000 атрофида. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги кунда 4500га яқин гулли ўсимлик турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндемик ва реликт турлари мавжуд. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12%ини ташкил қилади. Зарафшон воҳасининг флораси 2600тур, Самарқанд вилоятининг 1700тур, ундан 201 тур доривор ўсимликлардир. Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш ҳафи остида турган 163 тур “Қизил Китоб”ининг 1984 йилги нашрига киритилган, янги “Қизил Китоб”да эса (1998)киритилган ўсимлик турларининг сони 301тага етди. Ўзбекистон фаунасида умуртқасиз ҳайвонларнинг 677 тури (сут эмизувчилар-108, қушлар-432, судралиб юрувчилар-58, амфибиялар-2 ва балиқлар-77)мавжуд, умуртқасиз ҳайвонлар турлари эса 15 мингдан ортиқ.

Янги “Қизил Китоб”(2003)биринчи бор давлат тилида ёзилган бўлиб, иккинчи томида сут эмизувчиларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб

юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури молюскаларнинг 14 тури ва бўғимоёқлиларнинг 61 тури киритилган.

Ушбу “Қизил Китоб” Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам Табиат кўргазмалар залида намойишга қўйилган. Музейга ташриф буюрувчилар учун экология ва атроф-муҳитни муҳофазалашга ўргатиш ва тушунтириш, табиатшунослик соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш, жумладан, вилоятимиз табиатини ўрганишдан иборат эканлигини бизни қувонтиради.

Музейда ташриф буюрувчиларни табиатга қизиқишларини оширадиган, ҳайратларига сабаб бўладиган бир қанча экспонатлар бор. Булардан Каркидон индикатерийнинг бош суягидир.

Бу ҳайвон эрамиздан 3,5-4млн йил аввал яшаган сут эмизувчилар авлодидир. У инв 16028-рақами остида сақланади.

Бу ҳайвоннинг бош суяги мезозой эрасининг артологен даврида яшаган “Каркидонлар”га тегишли экан. Маълумот учун артологен “артологен” даври 45 мин йил давом этган. Ўшанда ер шарининг ҳамма жойида континентал иқлим вужудга келган. Бу давр охирларига бориб судралиб юрувчилар кўпайиб, кўплаб турларга бўлиниб кетган.

Масалан музейда сақланаётган Индрекотерийнинг бош суяги Наманган Давлат университетининг олди қисмини текислаш даврида топилган. 2010 йил 28 май куни вилоят музейига олиб келинган. Эволюцион нуқтаи назардан қараганда бу ҳайвон каркидонларнинг энг қадимги авлодидан бўлган

Бугунги кунда Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг табиат бўлимида бир-биридан қизиқарли, қизил китобга киритилган ҳайвонлар, қушларнинг ҳаёти ҳақида қизиқарли маърузаларни тинглаш имкониятига эга бўласиз.

Ушбу экспонатлар намоиши башриф буюрувчилар онгида она- табиатга меҳр уйғотишга, унинг неъматларига оқилона муносабатда бўлишга, шунингдек ҳайвонот дунёсини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашга ва ёшлар қалбида она- Ватанга меҳр-муҳаббат ҳитссини жўштиришга ва табиат туйғусидаги билимларини бойитишга хизмат қилади.

Фойдалиниланган адабиётлар:

1. "Тамаддун" журнали 6-сон 2020 йил 3-бет
2. Музей экспонатларидан.